

Тошкент шаҳри

2022 йил “20” апрель

Кейинги ўринларда **ООО SERVIS BIZNES MONTAJ MЧЖ** номидан устав асосида иш юритувчи **Абдурахимов Шавкат Бозорович** бир томондан (бундан буён матнда “**Бажарувчи**” деб юритилади) ҳамда **Ўзбекистон Бадний академияси** номидан низом асосида иш юритувчи **Ф.Ташмухамедов**, иккинчи томондан (бундан буён матнда “**Буюртмачи**” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

“Бажарувчи” ушбу Шартнома шартларига мувофиқ “**Камолиддин Бехзод хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 н в)**” ишларини бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га бажарилган ишларни қабул қилиш ва туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **419 498 869 сўм, 90 тийин** (тўрт юз ўн тўққиз миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг саккиз юз олтмиш тўққиз сўм 90 тийин) ҚҚС билан ташкил этади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи 125 849 660 сўм, 97 тийин (бир юз йигирма беш миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг олти юз олтмиш сўм 97 тийин) сўм миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Ишлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Шартномани бажариш ишлари 20 иш кунини ташкил этади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

3.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

3.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган ишлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган ишлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

3.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

4.4. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат хақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

6.3. Фавқулудда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.4. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай қафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо

Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш

доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9.Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Ўз.Р. Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.3. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

9.4. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал килади.

9.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.6. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАЖАРУВЧИ

"SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани

Амир Темура кўчаси 100-уй

ТОШКЕНТ Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ

ИШТИРОКИДАГИ "НАМКОРВАНК" АТБ

ЯККАСАРОЙ ФИЛИАЛИ

Х/р: 20208000505221113001

ИНН:306 659 923

Директор



Ш.Абдурахимов

БУЮРТМАЧИ

Ўзбекистон Бадний академияси

Тошкент шаҳар С.Азимова кўчаси 35

ЎР Молия вазирлиги ғазначилиги

х/р 23402000300100001010ХККМ

МБ ББМФО:0014 ИНН:201122919

ИНН: 202184026 Оқонх: 97300

Л/с 100010860262877089300051002

Раис ўринбосари



Ф.Ташмухамедов

Юрист:  Шотмуратов Р.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтид ажойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

«SERVIS BIZNES MONTAJ» МЧЖ
Ш.А.Аураҳимов



Буюртмачи:

Ўзбекистон Бадий академияси
Ф.Ташмухамедов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SERVIS BIZNES MONTAJ" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SERVIS BIZNES MONTAJ" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.08.2019

754386

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306659923

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A-TEMUR KO'CHASI, 100-UY.,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Ўзбекистон Бадий академияси танлов йиғини янгилигининг
6-сон
БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

20 апрель 2022 йил

ҚАТНАШДИЛАР:

Ф.Ташмухамедов - Комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

И.Юлдашев - Ижодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бадий лойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

Ў.Ахтамов - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош ҳисобчиси

А.Абдуғаниев - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси

К.Норинов - Бадий академия хўжалик мудир

Комиссия котиби:

Н.Мирзаева - Ижодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бадий лойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

"Камолитдин Бехзод хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 н в)" ишлари хизматини муҳокама учун жойлаштириш
(Ташмухамедов, Юлдашев, Ахтамов, Абдуғаниев, Норинов, Мирзаева)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон қарорининг 3-бандида Камолитдин Бехзод хайкалини 2022 йилда бронзага ўтказиш топшириғи берилган.

"Камолитдин Бехзод хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 н в)" ишлари хизмати юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ "etender.uzex.uz" электрон платформасида 2022 йилнинг 5 апрелида 64998 - сонли лот билан энг яхши таклифни танлаш учун 2022 йил 14 апрелига қадар эълон жойлаштирилди.

2022 йилнинг 14 апрелига қадар "SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ ҳамда ЯАТТ "G'APPOPOV AKOBIRXON AXMATOVICH" лар томонидан юқорида кўрсатилган хизматни бажариш учун тижорат таклифлари берилди. Комиссия аъзолари ташкилотлардан келган электрон ҳужжатлар билан танишишди.

Хусусан, танлов бўйича талабгор иштирокчилар томонидан таклиф этилган нархлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Қонуннинг 56-моддаси билан "Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари" қоидалари билан белгиланган тартиб-таомилга асосан тақдим этилган таклифлар қуйидаги тартибда устунликка эга эканлиги маълумот учун қабул қилинди.

Таклифларни баҳолаш учун қуйидаги критериялардан фойдаланиш белгиланди: Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар **20,0 балл**; Оферта, калькуляция **20,0 балл**; Корхона тўғрисида умумий маълумотлар **20,0 балл**; Таклиф қилинаётган

иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар **20,0 балл**; Таклифнинг энг паст нархи **20,0 балл**; Максимал балл этиб **100,0 балл** белгиланди.

Танловнинг тижорат қисми ўрганилганда "etender.uzex.uz" электрон платформасида 2022 йилнинг 15 апрелдаги харид комиссияси баённомасида қуйидаги таклифлар аникланди:

№	Корхоналар номи	Бажариладиган иш (хизмат) номи	Умумий нархи
1.	"SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ	"Қамолитдин Бехзод хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 н в)"	419 498 869,9 ҚҚС билан
2.	ҲаТТ "G'APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH"		423 883 352,9 ҚҚС билан

Шу муносабат билан танлов бўйича иштирокчилар томонидан тақдим этилган иш ва хизматлар таклифи энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини мақбул кетма-кетлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ комиссия қуйидаги натижаларни аниқлади:

№	Таклиф этилган ташкилот номи	Ташкилотнинг қарздорлиги ва мавжуд эмаслиги	Ташкилотнинг Оферта, калькуляцияси	Ташкилот тўғрисида умумий маълумотлар	Ташкилот тажрибаси тўғрисида маълумотлар	Таклифнинг энг паст нархи	Максимал балл
1	"SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ	20,0	20,0	20,0	15,0	20,0	95,2
2	ҲаТТ "G'APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH"	20,0	20,0	20,0	15,0	19,79	94,99

"etender.uzex.uz" электрон платформасида 2022 йилнинг 15 апрелдаги харид комиссияси баённомаси 2022 йилнинг 20 апрелига қадар муҳокамага қўйилди. 2022 йилнинг 20 апрелига қадар ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.

"SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ томонидан танлов бўйича талаб этилган товарлар (иш ва хизматлар) баҳолаш мезонларининг бошқа омиллари, шунингдек тавсифнома ва сифат кўрсаткичлари ҳамда бюджет маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланиш тартибига жавоб беришини инобатга олган ҳолда, мазкур иштирокчи энг мақбул таклиф тақдим этган иштирокчи деб топилди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. "Қамолитдин Бехзод хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до2нв)" ишлари хизмати юзасидан ўтказилган йиғилиш якуни бўйича "SERVIS BIZNES MONTAJ" МЧЖ билан шартнома имзолансин.

2. Ўзбекистон Бадиий академияси бош бухгалтери (Ў.Ахтамов) юқорида таъкидланган хизматни амалга ошириш учун тўловларни Ўзбекистон Бадиий академиясининг мазкур хизматлар, ишлар учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

Келишилди:

И.Юлдашев

У.Ахтамов

А.Абдуганиев

К.Норинов

